

**БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА
ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ВА ВАСИЙЛИК-ҲОМИЙЛИК
ОРГАНЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

Бабаҳанов Ҳамдам Қадамович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор*

Сапарбоев Нодирбек Улугбек ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 318-ўқув гуруҳи курсанти*

Аннотация: Мазкур мақолада профилактика инспекторининг бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш борасида васийлик ва ҳомийлик органлари билан ўзаро ҳамкорлиги амалда қандай ташкил этилаётгани таҳлил қилинади. Шу билан бирга, мазкур соҳадаги мавжуд муаммолар, ҳамкорликни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар илгари сурилади.

Калит сўзлар: Профилактика инспектори, бола ҳуқуқлари, кафолатлар, васийлик ва ҳомийлик органлари, ҳамкорлик, ҳуқуқий ҳимоя, профилактик фаолият, институтлар ўзаро ҳамкорлиги, болаларни ҳимоя қилиш тизими, амалий таклифлар.

Аннотация: В данной статье анализируется, как на практике организуется взаимодействие инспектора по профилактике с органами опеки и попечительства по обеспечению гарантий прав ребенка. Вместе с тем будут выдвинуты существующие проблемы в данной сфере, предложения и рекомендации, направленные на дальнейшее совершенствование сотрудничества.

Ключевые слова: Инспектор по профилактике, права ребенка, гарантии, органы опеки и попечительства, сотрудничество, правовая защита, профилактическая деятельность, взаимодействие институтов, система защиты детей, практические предложения.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. “Ҳеч бир бола эътибордан четда қолмайди” тамойили асосида тизимли ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Болалар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-139-сон Қонун, “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-996-сон Қонун, “Васийлик

ва ҳомийлик тўғрисида”ги ЎРҚ-364-сон Қонуни ҳамда Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция каби халқаро ва миллий меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6275-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 14 июлдаги “Болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини аниқлаш, зўравонлик хавфи даражасини баҳолаш, ҳимоя қилиш режасини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ВМ-440-сон қарори билан болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини аниқлаш, хавф даражасини баҳолаш ва ҳимоя режасини ишлаб чиқишнинг аниқ механизмлари белгиланди. Бу, ўз навбатида, профилактика инспекторлари ва васийлик-ҳомийлик органлари ўртасида ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди

Шу билан бирга, профилактика инспекторларининг васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорлик жараёнида бир қатор ташкилий ва ҳуқуқий муаммолар ҳануз сақланиб қолмоқда. Бу ҳолат ҳимояга муҳтож болаларни аниқлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, шунингдек, зўравонлик ҳолатларининг олдини олишда тизимли ёндашув зарурлигини кўрсатади.

Мақоланинг асосий мақсади — профилактика инспекторларининг бола ҳуқуқларини кафолатлаш соҳасида васийлик ва ҳомийлик органлари билан ўзаро ҳамкорлик амалиётини таҳлил қилиш ҳамда уни такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида самарали фаолият юритиш учун профилактика инспектори бир қатор асосий тушунчаларни тўғри билиши ва уларнинг ҳуқуқий мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши зарур. Бу борадаги асосий ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-139-сон Қонунида батафсил белгиланган. Жумладан,

Бола (болалар) — ўн саккиз ёшга тўлгунга (войга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар);

боланинг қонуний вакиллари — ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар;

васийлик ва ҳомийлик — ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли. Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга нисбатан белгиланади;

етим бола — отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган бола;

жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола — ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлган бола;

Профилактика инспекторининг бола ҳуқуқларини кафолатлаш соҳасидаги фаолияти болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳамоя қилиш билан узвий боғлиқ бўлиб, бу йўналишда аниқ вазифалар ва тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Шу боис, ушбу соҳада қўлланадиган асосий тушунчаларни аниқ белгилаш ва уларнинг ҳуқуқий мазмунини чуқур англаш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 ноябрда қабул қилинган “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳамоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-996-сон Қонуни мазкур масала бўйича асосий ҳуқуқий асослардан бири ҳисобланади. Ушбу қонунда болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган аниқ ҳуқуқий тушунчалар баён этилган.. Унга кўра:

Болаларга нисбатан зўравонлик бу - Боланинг ҳаётига, соғлиғига, жинсий дахлсизлигига, шаънига, кадр-қимматига ҳамда қонун билан ҳамоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган, жисмоний ёки руҳий азоб етказаётган ёки етказиши мумкин бўлган ҳамда асосий эҳтиёжларига зид бўлган, шу жумладан телекоммуникация тармоқларидан ва Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, қасддан содир этиладиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) болаларга нисбатан зўравонлик деб эътироф этилади.

Болалар ҳуқуқларини таъминлашда профилактика инспекторининг ўрни ва ҳуқуқий асосларига тўхталадиган бўлсак, ушбу фаолият давлатнинг жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш сиёсатида муҳим ўрин тутди. Профилактика инспекторларининг бу йўналишдаги вазифалари ва ваколатлари қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган.

Жумладан, мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий пойдевори Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонунида белгиланган. Шунингдек, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сон қарор билан ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланган бўлиб, унда профилактика инспекторларининг болалар билан ишлашдаги вазифалари ҳам аниқ белгилаб берилган.

Бундан ташқари, 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармон билан тасдиқланган “Жамоат хавфсизлиги концепцияси” профилактика инспекторларининг болалар хавфсизлигини таъминлашдаги ролига стратегик асос яратган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 14 июлдаги ВМ–440-сон қарорига мувофиқ “Болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини аниқлаш, зўравонлик хавфи даражасини баҳолаш, ҳимоя қилиш режасини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган. Ушбу низом профилактика инспекторларининг васийлик ва ҳомийлик органлари, таълим муассасалари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширадиган аниқ чора-тадбирларини белгилаб берган.

Жумладан,

ҳимоя қилиш режаси — Қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган чора-тадбирларни, уларнинг ҳажмини, даврийлигини, тегишли ёрдам ва хизматлар кўрсатиш шартлари ҳамда муддатларини, чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган шахсларни, зарур мақсадли кўрсаткичларни ўз ичига олган чора-тадбирлар мажмуи.

Профилактика инспекторлари маҳалла ва ҳудудларда болаларга нисбатан зўравонлик, эътиборсизлик ва ҳимоясизлик ҳолатларини аниқлаш, улар бўйича хавф даражасини баҳолаш ҳамда тегишли давлат органларига ахборот етказиш бўйича муҳим вазифаларни бажаради. Бу жараёнда улар фақатгина маълумот тўплаш билан чекланиб қолмай, балки васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда болани ҳимоя қилиш бўйича индивидуал режа ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда бевосита иштирок этади.

Бундай фаолиятда қонунчиликда белгиланган асосий тушунчаларни аниқ англаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки зўравонлик ҳолатларини тўғри баҳолаш, боланинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя режасини самарали амалга ошириш айнан ушбу тушунчаларнинг тўғри қўлланилишига боғлиқ.

васийлик — ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли;

ҳомийлик — ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли.

Соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга бу шахсларнинг илтимосига кўра ҳомийлик белгиланиши мумкин;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс — ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахс;

Шу билан бирга, болалар ҳуқуқларини таъминлашда профилактика инспекторининг роли фақат назорат вазифалари билан чекланиб қолмайди. У ҳимояга муҳтож болани аниқлаган пайтдан бошлаб, ҳуқуқий ҳимоянинг барча босқичларида фаол иштирок этувчи субъект сифатида намоён бўлади. Бу жараёнда профилактика инспектори боланинг хавфсизлигини таъминлаш, тегишли органларни хабардор қилиш, васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда ҳимоя режасини ишлаб чиқиш ҳамда унинг ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Айниқса, зўравонлик ҳолатларига комплекс ва тизимли ёндашув талаб этилади. Бу эса фақат ҳуқуқий чоралар эмас, балки ижтимоий, психологик ва таълимий механизмларни ҳам камраб оладиган ўзаро ҳамкорликка асосланган ягона ҳимоя тизимини шакллантиришни тақозо этади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликнинг амалдаги ҳолати ва муаммоларига тўхталадиган бўлсак, ушбу органлар болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат номидан ҳаракат қилувчи асосий субъектлардан ҳисобланади. Уларнинг вазифалари Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунида аниқ белгиланган.

Бироқ амалиётда профилактика инспекторлари ва васийлик ҳамда ҳомийлик органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигида бир қатор тизимли муаммолар мавжуд.

Биринчидан, ахборот алмашинуви ва хабар бериш жараёнлари барча ҳудудларда ягона стандарт ва механизм асосида амалга оширилмаётгани ҳамкорликдаги тезкорлик ва мувофиқлашувга салбий таъсир кўрсатишини кўриш мумкин.

Иккинчидан, болани ҳимоя қилиш режаларини ишлаб чиқиш жараёнларида профилактика инспекторларининг иштироки айрим ҳолларда формал тусда бўлиб, уларнинг таклиф ва кузатувлари етарлича инобатга олинмаётганини кўриш мумкин.

Учинчидан, ваколатлар ва масъулиятнинг аниқ чегараланмагани вазифалар такрорланиши ва айрим бўшлиқлар юзага келишини келтириб чиқармоқда.

Натижада, болаларни зўравонлик ва эътиборсизлик ҳолатларидан ҳимоя қилишда тезкор ва тизимли ёндашувни таъминлашда узилишлар юзага келмоқда.

Бу эса профилактика инспекторлари ва васийлик-ҳомийлик органлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий, ташкилий ва ахборот алмашинуви йўналишларида такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Ҳамкорликни самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни келтириш мумкин.

Профилактика инспекторлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилик, ташкилий ва амалий йўналишларда бир қатор аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Биринчи навбатда, ахборот алмашинувининг ягона электрон тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бундай тизим орқали зўравонлик ҳолатлари, хавф даражаси, кўрилган чоралар ва ишлаб чиқилган ҳимоя режалари бўйича маълумотлар идоралар ўртасида тезкор ва тизимли равишда алмашилиши таъминланади. Бу эса ўзаро мувофиқлашувнинг амалий самарадорлигини оширади.

Иккинчидан, ҳимоя режаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш жараёнида профилактика инспекторларининг фаол иштирокини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни аниқ белгилаш лозим. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг ВМ–440-сон қарорида белгиланган вазифаларни тўлиқ ҳаётга татбиқ этиш бу йўналишда муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, ваколат ва жавобгарликларни аниқ чегаралаш талаб этилади. Профилактика инспекторлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг вазифалари ўзаро тўлдирувчи ва мувофиқлашган тарзда ташкил этилса, такрорланишлар олди олинади, масъулият чегаралари аниқ белгилаб берилади.

Тўртинчидан, мутахассислар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Болалар билан ишловчи инспекторлар ва васийлик органи ходимларининг психологик, ҳуқуқий ва мулоқот кўникмаларини ривожлантириш бўйича мунтазам ўқув курслари ва амалиётлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида профилактика инспекторлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳуқуқий асосларга эга бўлса-да, уни амалий жиҳатдан такомиллаштириш зарурати сақланиб турибди.

Ахборот алмашинувининг ягона тизимини жорий этиш, ваколат ва жавобгарликни аниқ белгилаш, ҳимоя режаларини самарали ишлаб чиқиш ва халқаро тажрибаларни жорий этиш бу йўналишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу орқали болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тизимининг тезкорлиги ва самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-139-сон Қонун,
3. “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-996-сон Қонун,
4. “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги ЎРҚ-364-сон Қонуни
5. Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция
6. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6275-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат ҳавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–27-сон Фармон.
10. Қадамович Б. Ҳ., Ихволиддинов Ф. Х. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР ВА АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 53-58.
11. Қадамович Б. Ҳ., Махсудбеков М. М. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКАНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ХОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 21-27.
12. Қадамович Б. Ҳ. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ТАРБИЯСИ ОЎИР БЎЛГАН ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЕТИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ //Eurasian Journal of Academic Research. – 2024. – Т. 4. – №. 4-1. – С. 95-100.
13. Қадамович Б. Ҳ., Абдиқаримов Ж. И. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ ЖИҲАТДАН ҲАВФЛИ АҲВОЛДА БЎЛГАН ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 5-2. – С. 19-23.